



Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қиёмат қачон?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Қиёмат кунига нима ҳозирладинг?!», дедилар. «Аллоҳ ва Расулиниңг муҳаббатини», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен яхши кўрган кишинг билан бирга бўласан», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Ё Расулаллоҳ, бир киши бир қавмни яхши кўрса-ю, лекин улар билан учрашмаган бўлса, бу одам ҳақида нима дейсиз?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши ўзи яхши кўрган одами билан бирга бўлади», дедилар.

Шарҳ:

Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмош кўриш иймоннинг асосий



пойдеворларидан биридир. Мўмин киши мўмин ва солиҳ инсонларни яхши кўришга ва кофирларни ёмон кўришга буюрилган. Бу Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш бўлиб, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қиласиган амалдир. Инсон жаннатда дунёда яхши кўрган одамлари билан бирга бўлади. Атрофингиизда яхши кўрган одамларингизга бир қаранг, уларни дини учун яхши кўрасизми ёки дунёси учунми?!

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Солиҳ одамларни яхши кўриш - агарчи уларчалик кўп амал қилмаган бўлса ҳам – охиратда улар билан бирга бўлишга сабаб бўлади.
2. Кофир ва фосиқларни яхши кўриш хатарлидир.
3. Ким қайси қавмни яхши кўрса, қиёматда улар билан бирга бўлади.